



АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛАРИ

75



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АДАБИЁТШУНОСЛИҚНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

CONTEMPRORY PROBLEMS OF LITERATURE CRITICAL STUDIES

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЯ

*Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик Бахтиёр
Назаров таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан
ўтказилган халқаро конференция материаллари*

*Materials of the international conference dedicated to the 75th
anniversary of the scientist of the Republic of Uzbekistan, academician
Bakhtiyor Nazarov*

*Материалы Международной конференции, посвященной
75-летию со дня рождения ученого Республики Узбекистан,
академика Бахтиёра Назарова*

2020 йил 16 – 19 сентябрь, Ўзбекистон
september 16 – 19, 2020.
16 – 19 сентябрь 2020 г.

«ТАФАККУР» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 2020

Дилрабо ҚУВВАТОВА,
Бухоро давлат университети профессори,
филология фанлари доктори,
(Ўзбекистон)

Нафосат ЎРОҚОВА,
Бухоро давлат университети ўқитувчиси,
фалсафа фанлари доктори (PhD)
(Ўзбекистон)

АКАДЕМИК ШОИР ИЖОДИ УЛКАН МУНАҚҚИД НИГОҲИДА

Аннотация. Улкан мунаққид, академик Бахтиёр Назаровнинг ўзбек адабиётшунослигига оид “Ҳаётийлик – безавол мезон”, “Гафур Гулом олами” сингари салмоқли тадқиқотларида XX аср ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, ҳозирги адабий жараён ва адабий танқиднинг долзарб масалалари ёритилган. Мақолада шу асарлар таҳлилга тортilib, олимнинг Г.Гулом ижодига муносабати, бадий олами, танқидчилик фаолиятига доир қимматли қарашлари ўрнанилган.

Аннотация. Значительные исследования великого критика, академика Бахтияра Назарова по узбекской литературоведения, такие как «Жизнь – неиссякаемый критерий», «Мир Гафура Гуляма», освещают историю узбекской литературы XX века, литературную теорию, современный литературный процесс и актуальные проблемы литературной критики. В статье анализируются эти работы, и исследуется отношение ученого к творчеству Г.Гуляма, его ценные взгляды на мир искусства, его критическая работа.

Annotation. The great critic, academician Bakhtiyor Nazarov's significant researches on Uzbek literary criticism, such as “Life is an inexhaustible criterion”, “The world of Ghafur Ghulam” cover the history of twentieth-century Uzbek literature, literary theory, current literary process and current issues of literary criticism. The article analyzes these works and examines the scholar's attitude to the work of G.Ghulam, his valuable views on the art world, his critical work.

Калит сўзлар: ўзбек танқидчилиги, мунаққид, бадийлик мезони, сатира, маҳорат қирралари, шакл, мазмун, услуб, индивидуаллик

Ключевые слова: узбекская критика, критика, критерий искусства, сатира, аспекты мастерства, форма, содержание, стиль, индивидуальность.

Key words: Uzbek criticism, critique, criterion of art, satire, aspects of mastery, form, content, style, individuality

XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиётшунослиги тараққиёти ўт-кир мунаққид, академик Бахтиёр Назаров номи билан чамбарчас боғлиқдир. Олим томонидан яратилган салмоқли тадқиқотлар унинг илм оламида ўз айтар сўзи ва индивидуал услубига эга эканлигини кўрсатиб туради.

Айтиш мумкинки, Бахтиёр Назаров адабиётшуносликнинг ўнлаб жанрларида самарали ижод қилди. Булар орасида “Бу

сеҳрли дунё”, “Ҳаётйлик – безавол мезон”, “Олим маданияти”, “Меҳр куйчиси”, “Ғафур Ғулом олами”, “Ўзбек танқидчилиги. Ғоявийлик. Метод. Қаҳрамон” номли ўнга яқин рисола ва монографиялари ўзбек танқидчилиги тадқиқига бағишланганлиги билан эътиборни тортади. Шунингдек, олимнинг қатор тақриз, суҳбат, мақола ва портрет-мақолаларида XX аср ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, ҳозирги адабий жараённинг долзарб масалалари ёритилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бинобарин, Б.Назаровнинг А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ғ.Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор сингари ўзбек адабиётининг улкан намоянадалари ижоди ўрганилган асарлари ҳам, А.Орипов, Р.Парфи, Ҳ.Худойбердиева, У.Азим, С.Салимов, М.Кенжабек сингари шоирлар шеърлари таҳлил этилган тадқиқотлари бугун фанимиз саҳифаларини безаб турибди. Бу яратмалар унинг бадиий сўз фасоҳати ва назокатини теран англаган тийран нигоҳли адабиётшунос сиймосини намоён этиб туради. Мулоҳазаларимизни Б.Назаровнинг академик шоир Ғафур Ғуломга бағишланган илмий асарлари мисолида асослашга ҳаракат қиламиз.

Ғафур Ғуломнинг серқирра, такрорланмас ижодий фаолияти янги ўзбек адабиётининг олтин хазинасини ташкил этади. Шу жиҳатдан олимнинг, айниқса, Ғ.Ғулом ижоди билан боғлиқ изланишлари катта қизиқиш уйғотади. Унинг “Ҳаётйлик – безавол мезон” китоби танқидчилик масалаларига, Ғ.Ғуломнинг илмий танқидий мақолалари тадқиқига бағишланган бўлса, “Ғафур Ғулом олами” китоби академик шоирнинг серқирра ижодини ўзида акс эттириши билан эътиборни тортади.

Бинобарин, “Ҳаётйлик – безавол мезон”да бадиийликнинг ҳаётйлик билан алоқадорликдаги муаммоларини назардан ўтказишга қаратилган муҳим илмий қарашлар акс этган. Китобнинг “Устозлар тажрибаси – маҳорат мактаби” фаслида ўзбек танқидчилигининг шаклланиш даври бўлган ўтган асрнинг 20-30-йиллари назардан ўтказилади. Бу ҳақда олим ёзади: “Ўзбек танқидчилиги 20-30-йилларда ҳозир биз билган маънодаги анъаналарига эга эмас, инқилобгача ҳозир биз билган маънодаги профессионал мунаққидларимиз ҳам йўқ ҳисоби эди. “Мажолис ун-нафоис” типдаги асарлар нечоғлик катта аҳамиятга эга бўлмасин, уларнинг кенг халқ оммаси ва ижодкорларга таъсир доираси анча чекланган, шарқ классик анъаналарига биноан поэтик асарлар доирасида илгари сурилган адабий-танқидий фикрлар ҳозирги маънодаги танқидчилик ўрнини босолмас,

инқилобгача Туркистонда вужудга келган матбуот саҳифаларидаги адабий танқидчилик ҳам эндигина тетапоя босқичда эди”²⁸. Кўринадики, бу даврда ўзбек танқидчилиги адабий ҳодиса сифатида мавжуд бўлган ва шу асосда ушбу термин адабий воқеликка айланган. Айтиш мумкинки, ушбу йилларда яратилган уч турга мансуб асарлар, хусусан, роман ва драмаларга баҳо берилган, улар ҳақида тақриз характеридаги мақолалар ёзилган. Б.Назаров шу жиҳатларни теран таҳлил этган ҳолда ўзбек танқидчилигининг шаклланишига таъсир этган ижтимоий-бадий омилларни очиб беради.

Мазкур қисмдаги яна бир эътиборли жиҳат шундаки, улкан олим илмда қузатилмаган ва эътироф этилмаган Ғ.Ғуломнинг адабий танқидчи сифатидаги фаолиятига назар ташлайди, мунаққидга мунаққиднинг нигоҳи нуқтаи назаридан муносабат билдиради. Зеро, академик шоир ижодида йирик фундаментал тадқиқотлар ва назарий ишлар бўлмаса-да, ўтган асрнинг 20-30-йиллар ўзбек танқидчилиги шаклланиши ва ривожланишидаги ўрни беқиёслигини мисоллар билан далиллайди; адабиётшунос олим ва танқидчи сифатида бўй кўрсатган асосий фазилатлари жанговарлик, ҳозиржавоблик, нуктадонлик, тарғиботчилик, ташвиқотчилик ва тадқиқотчиликнинг ўзаро уйғунлашувида намоён бўлганлигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Ғ.Ғуломнинг кичик-кичик мақолаларида даврнинг муҳим масалаларига тийран фалсафий нигоҳ ва олимона фикрлар акс этган. Хусусан, ўтган асрнинг 20-йиллари ўзбек адабиётидаги муҳим муаммолардан бири эскилик сарқитларини фош этишдан иборат бўлган. А.Қодирий ва Ғ.Ғулом каби ижодкорларнинг бу даврда ўткир сатирага янада кўпроқ аҳамият беришлари шу билан изоҳланиши бежизга эмас. Мунаққид бир ўринда: “Бизнинг сатирик асарларимиз маслақдошларимизни кулдириб, “ғайри унсурларга ўлим зарбаси бериши, улар билан қатъий кураш олиб бориш вазифасини гарданига” олиши лозим, деб ёзади у 1928 йилги мақолаларидан бирида. Бу бадий адабиётимизнинг ҳам, танқидчилигимизнинг ҳам шаклланиш даври учун зарур гап эди”²⁹, – деб ёзади. Бу каби мулоҳазалар китобхон кўз олдида Ғ.Ғуломнинг танқидчиликдаги услуб қирраларини намоён этишда ғоят муҳим омил ҳисобланади. Бинобарин, шоир ва адиб сифатида танилган ижодкорнинг ўзбек танқидчилиги-

²⁸ Назаров Б. Ҳаётгиллик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б. 17.

²⁹ Назаров Б. Ҳаётгиллик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б. 20.

даги фаолияти борасида маълумотлар кам ва бори ҳам деярли ўрганилмаган эди.

Бундан ташқари, Б.Назаров Ғ.Ғуломнинг биринчилардан бўлиб кинотанқидчиликни бошлаб берганлигини, бошлаганда ҳам, анча теран фикр юритган мунаққидларимиздан бири эканлигини кашф этди: “У 1929 йилда икки фильмга тақриз ёзади. Биринчиси, “Бахтли халқ” фильми, иккинчиси Америка кинематографиясига мансуб “Учувчи бахт” фильmidир”³⁰. Гарчи ушбу тақриزلарда шўро давридаги қарашлар, мафкуравий ёндашувлар сезилиб турса-да, ўзбек танқидининг шаклланиши, тараққиётини белгилашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ўтган асрнинг 20-йиллар охири – 30-йилларнинг бошларида ўзбек поэзиясида баландпарвозлик, қуруқ риторика, тантанаворлик руҳи етакчилик қилганлиги маълум. Китобда давр шеърлятига шу нуқтаи назардан ёндашилган ва Ғ.Ғуломнинг адабий жараёндаги бу каби қусурларни нозик англаб, танқидчиликнинг эътиборини қаратганлиги асосланган: “Аксар шоирларимиз, – дейди у “Пролетариатнинг ҳар бир ижоди бир илҳом” (1931) номли мўъжазгина мақоласида, – заводларнинг баланд трубалари учига қараб шеърлар ёзадилар, аслида тузумнинг буюклигини, улкан қурилишлар, иншоотларнинг моҳиятини кўкка кўтарилган трубаларнинг учидан эмас, ердаги гигантларнинг, яъни одамларнинг ичидан қидирмоқ керак. 1931 йилда айтилган бу фикр адабиёт учун ҳам, танқидчилик учун ҳам ниҳоятда зарур эди”³¹. Кўринадики, академик шоир поэзиядаги ижтимоийлашув ва сиёсатлашувни оқламайди, балки шеърни “одамларнинг ичидан қидирмоқ” кераклигини айтади. Бу Ғ.Ғуломнинг ҳақиқий шеърга берган баҳоси, аслида.

Дарҳақиқат, 30-йилларда рус адабиётида инсоннинг ўзидан кўра унинг меҳнатини мадҳ этиш, яратган нарсасини куйлаш, бутун эътиборни моддиятга қаратиш тамойили шаклланди ва бу, ўз навбатида, ўзбек адабиётига ҳам таъсирини ўтказмай қолмади. Бадий асарларни кузатадиган бўлсак, бундай анъана истиқлолгача бўлган даврда яратилган кўпгина асарларда кўзга ташланади. Мустақиллик йиллари ва ундан кейин яратилаётган асарларда ҳам шакл, ҳам мазмун янгиланишлари юзага келганлиги кузатилади. . Ижодкорларнинг моҳиятни поэтик идрок

³⁰ Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б. 17.

³¹ Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б. 22.

этишлари, оламга эстетик идрок этишлари услуб ва индивидуаллик билан боғлиқ туб ўзгаришларни ҳам майдонга чиқарди.

Демак, монографиядаги янгича фикр ва қарашлар Б.Назаровнинг адабий жараёни, ундаги ўзгаришларни илмий-эстетик баҳолай олганлигини кўрсатади. Қолаверса, Ғ.Ғулом ижодининг яна бир муҳим қирраси – танқидчилик фаолияти ёритиб берилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Академик Б.Назаров яратмалари орасида “Ғафур Ғулом олами” китоби жуда катта маънага эга. Бир мақола доирасида бу монографиянинг фазилатларини очиб бериш мушкул, албатта. Шу боис айрим кузатиш қарашлар билан чекланамиз. Таъкидлаш керакки, мазкур тадқиқот адабиётшуносликнинг янги ютуқлари ва ҳаётбахш тамойиллари билан тўйинтирилган. Қолаверса, монография саҳифаларида академик Ғ.Ғуломнинг файласуф шоир, ўткир носир ва ҳажвнавис сифатидаги ёрқин сиймоси, собиқ тузумда яшаб халқ дардини, қалб оғриқларини қалбан ҳис этган ва уларни ўз асарлари қатига рамзий услубда сингдира олган забардаст қалам соҳиби қиёфаси ярақлаб туради.

Монографиянинг дастлабки бобида Ғ.Ғуломнинг ҳаёт йўли ва у яратган автобиографик характердаги асарлар адабиётшуносликдаги биографик ёндашув методи асосида талқин этилган. Айниқса, “Шум бола” ва “Менинг ўғригина болам” асарлари билан боғлиқ янги кузатиш ва қарашлар мулоҳазаларимизни тасдиқлаб туради. Ғ.Ғулом шеърини таҳлил этилган бошқа тадқиқотларда собиқ тузум мадҳ этилган асарлари ҳақида кўп гапирилади. Б.Назаров эса Ғ.Ғулом ҳам Чўлпон ва Фитрат каби эркпарвар ва миллатпарвар шоирларга эргашганлиги, ўтган асрнинг 20-йилларида “Донгли шоирга”, “Олқиш”, “Фалак она”³² сингари шеърлар битганлигини эътироф этади. Айтиш мумкинки, курашчанлик, эрк ва озодлик ғоялари билан суғорилган бу шеърлар ўз даврида чоп этилмаган ва шоир тўпламларига ҳам киритилмаган. Зукко мунаққид шу жиҳатларни ҳам қайд этган ҳолда, биринчилардан бўлиб мазкур асарларни таҳлил этади. Натижада кўз ўнгимизда фақат шўрони, собиқ тузумни мадҳ этган шоир эмас, ўз салафлари изидан бориб, халқ қалбида яшириниб ётган дардларни мардона куйлаган истиқлол ижодкори намоён бўлади. Биламизки, Ғафур Ғулом реалистик ҳикоялар билан бирга ҳажвий асарлар ҳам ёзган. Назаримизда, табиатан кулгига мойил ижодкорнинг “Ҳасан

³² Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси, 2004. – Б. 68.

МУНДАРИЖА

Умр ибрати (Низомиддин Маҳмудов) 3

АКАДЕМИК БАХТИЁР НАЗАРОВ – ФАН ФИДОЙИСИ

Наим Каримов. Олим бўлиш бахти ва машаққати	7
Тўра Мирзаев. Атоқли олим, йирик фан ташкилотчиси	13
Каримбой Қурамбоев. Қорақалпоқ адабиётининг ҳам моҳир тадқиқотчиси	17
Almaz Ülvi Binnatova. Azərbaycan elmi ictimaiyyətinin yaxın dostu Akademik Vəxtiyar Nəzərov	22
Сайди Умиров. Эътирофларга қўшимча қилмоқчийдим	26
Қурдош Қахрамонов. Миллий жозоба талқини	32
Шоира Ахмедова. Танқидчи маҳорати хусусидаги изланишлар	37
Абдуҳамид Холмуродов. Бадий тафаккурнинг теран таҳлили	42
Саодат Султонсаидова. Оламини забт этган олим	47
Ғайрат Муродов. Бир мақола таҳлили ёки Абдулла Қаҳҳорга эҳтиром	52
Исломжон Ёқубов. Бахтиёр Назаров илмий услубининг айрим қирралари	56
Дилрабо Қувватова, Нафосат Ўроқова. Академик шоир ижоди улкан мунаққид нигоҳида	60
Бойназар Йўлдошев. Мунаққид феномени ва ижодий индивидуаллик	65
Зулҳумор Мирзаева. Тафаккур сарҳадлари	71
Исҳоқхон Носиров. Етук мунаққид	77
Махсума Деҳқонова. Ойбекнинг адабий-танқидий қарашлари Бахтиёр Назаров талқинида	82

МУМТОЗ АДАБИЁТГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР

Абдусалом Абдуқодиров. Ҳамза назмида анъанавий ва янги талқинлар	87
Низомиддин Муроди. Персидско-таджикские литературные традиции в Восточном Туркестане	93